

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИНДИСТОН БИЛАН ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ

Бурхон Бўронович Жаҳонгиров  
ЎзДЖТСУ, “Ижтимоий фанлар ва хуқук” кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий ва маънавий – маданий алоқаларининг тарихий илдизларига тўхталиш билан бирга бугунги кунда, айниқса, мамалкатимиз мутақиллиги сабаб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳалқ дипломатиясининг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, информатика, компьютер техникаси, қуёш энергетикаси, лазер технологияси ва бошқа бир қатор соҳаларда ислоҳотлар ва ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг натижалари ҳамда истиқболлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, Ҳиндистон, илмий-техникавий, маданий, маънавий, мустақиллик, ислоҳот, истиқбол, ҳалқ, дипломатия, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, информатика, компьютер, энергетика, натижа.

### ABSTRACT

This article focuses on the historical roots of the scientific, technical, spiritual and cultural ties of Uzbekistan with foreign countries, as well as the reasons for the independence of our country today, information was provided on the development of public diplomacy between Uzbekistan and India, reforms and cooperation in the field of agriculture, medicine , ecology, computer science, computer technology, solar energy, laser technologies and a number of other areas, as well as their results and prospects.

**Keywords:** Uzbekistan, India, scientific and technical, cultural, spiritual, independence, reform, perspective, people, diplomacy, agriculture, medicine, ecology, informatics, computer, energy, result.

### КИРИШ

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳалқаро ҳамкорлиги республиканинг илмий-техник ва маънавий – маданий салоҳиятини жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳамкорликнинг обьектив зарурат эканлиги,

ҳозирги цивилизация талаблари, жамиятнинг информация жараёнига бўлган кучли интилиши, ишлаб чиқаришда чуқур илмга асосланган техникани қўллаш, уларни ишлаб чиқариш учун эса техника соҳасида улкан кашфиётларга эришишнинг тақазо этилиши, шунингдек бундай натижаларга эришмоқ учун бутун дунё илм-фани ютуқларини умумлаштириш, дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш зарурияти билан изоҳланади.

Ўзбекистоннинг сиёсати бошқа мамлакатларнинг фан, техника, маданият, санъат ва таълим соҳасида эришган барча илгор ва яхши жиҳатларини қабул қилиб олиш ҳамда уларни жамиятимизнинг маънавий янгиланиши ва тараққиётида фойдаланишга йўналтиришдир. [1]

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Энг қадимги давлат уюшмаларининг шаклланиши натижасида тараққий топган давлатларнинг вужудга келиши, бу давлатларнинг Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан “Буюк Ипак йўли” орқали олиб борган алоқалари ҳақида Эргашев X, Ҳамидов.Х, Усмонов К, Содиков М, Бурхонова С, Қирғизбоев А лар ўз асарларида ва уларнинг самараси, Марказий Осиё халқлари маданиятининг гуркираб ривожланиши омиллари ўз фикр мулоҳазалрини билдиришган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг жорий архиви фондлари, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси жорий архивларида ҳамда кунлик Матбуот материалларида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий ва маънавий – маданий алоқаларининг тарихий илдизларига тўхталиш билан бирга бугунги кунда, айниқса, мамалкатимиз мутақишлиги сабаб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида халқ дипломатиясининг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, информатика, компьютер техникаси, қуёш энергетикаси, лазер технологияси ва бошқа бир қатор соҳаларда ислоҳотлар ва ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг натижалари ҳамда истиқболлари ҳақида маълумотлар берилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бизга маълумки Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон кишилик жамияти тарихида ривожланган цивилизация қарор топган минтақа сифатида ва бу минтақанинг бутун имконият оламининг келажак тарафқиётидаги ўрни ва ролини

ўрганиш масаласи тарихчи олимлар олдида ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан саналади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон ҳудудида илк шаҳарларнинг ташкил топиши қадимги цивилизация, яъни шарқ типидаги маҳаллий цивилизация бўлиб, эрамиздан аввалги III-II минг йилликларда Месопотамия ва қадимги Хиндистоннинг Ҳараппа маданияти билан узвий алоқада бўлган.[2]

Шундай экан мамалкатларимиз ўртасидаги алоқалар бир неча минг йиллик тарихга бориб тақалади масалан, Ўзбекистоннинг қадимги Саполлитепа, Жарқўтон, Бақтрия шаҳар харобалари тадқиқ этилганда, Хиндистоннинг қадимги шаҳарлари ҳисобланган Ҳараппа, Махинжадоро ҳудудлари билан ҳозирги Эрон ҳудудлари орқали савдо, иқтисодий алоқалар ўрнатганлиги маълуб бўлди.

“Буюк ипак йўли” деб аталган савдо йўли йўлга қўйилгач эса бу йўл Бухорога келиб, икки йўналишга бўлинган. Жанубий йўналиш Бухоро-Карши-Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган демак шундай хулоса қилишиимиз мумкинки мамлакатларимиз нафақат савдо сотик балки маданий соҳада ҳам бир-бирлари билан яқин алоқада бўлган.

Бизга Ҳиндистон тарихидан маълумки, милоддан аввалги II аср охирларида Ҳиндистон императори Ашока будда динини давлат дини деб эълон қилди. Кушонлар Ҳиндистонни эгаллагандан сўнг, улар ҳам будда динини қабул қилганлар. Термиз буддизмнинг Марказий Осиё, Хитой, Корея ва Япония каби бошқа Осиё мамлакатларига ёйилиш марказига айланди.

Мамалакатимиз ва Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрта асрлар даврида ҳам давом этди, буни биз IX-XII аср илм-фани ва маданиятининг равнақига ҳисса қўштан буюк алломаларимиздан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб”, “Алгебра” рисоласи, Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” ва бошқа бир қанча асарларидан ҳам биламиз. Буюк саркарда, йирик давлат арбоби, бобомиз Амир Темур даврида Осиё ҳудудларидаги бир оз осойишталик сабаб “Буюк ипак йўли” яна қайта тикланиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари “Буюк ипак йўли”нинг энг қайноқ нуқталарига айланган. Бу ерга Ҳиндистондан жуда қўплаб тижорат карвонлари келиб турад ва улар маҳаллий хом – ашёлар билан бирга Хитойдан келган савдогарлардан ипак газламалари, чинни косалар, биллур қадаҳлар, қимматбаҳо тошлар харид қилишган. [3]

Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, санъати ва архитектурасидаги ўхшашликлар,

уларнинг ўзаро бойиши ва бир-бирига ўтиши ўзбек давлат арбоби, шоир ва ёзувчи З.М.Бобур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқ. Уларнинг бекиёс мероси Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, илмий ва маданий соҳадаги самарали алоқаларни ривожлантиришда кучли салоҳиятга эга.

XV-XVII-асрларга оид ёзишмалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган қўлёзма тўпламларга киритилган Бухоро хони Абдуллахоннинг Ҳиндистон подшоҳи Акбаршоҳга ёзган мактублари, Акбаршоҳнинг “Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуби”, Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирнинг Ҳиндистон подшоҳлари Шоҳ Жаҳон ва Шоҳ Аврангзебга мактублари ҳамда “Амир Ҳайдар мактублари” номли қўлёзма манбалари ўрта асрлар даврида Ўзбек-Ҳинд муносабатлари яхши ривожланганидан далолат беради.

Мамалкатимиз мутақиллиги сабаб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳалқ дипломатияси ҳам жадал ривожланди. Икки томонлама маданий алоқаларни кенгайтиришда 1991 йилдан буён ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистон - Ҳиндистон дўстлик жамияти Тошкентда фаолият юритмоқда. Амалга оширилаётган доимий маданий - маърифий алоқалар натижасида, икки мамлакат ҳалқлари турли соҳаларда бир-бирлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлмоқда.

1993 йил 23-25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао Давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида “Ўзбекистон республикаси билан Ҳиндистон республикаси ўртасида “Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида” ги шартнома, фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисида, ҳаво йўллари тўғрисида ва савдо - иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. [4]

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан ўзаро илмий –техник ҳамкорлиги ҳам йилдан - йилга ривожланмоқда. 1993 йил 29 июлда Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон республикаси ўртасида имзоланган илмий-техник соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ва 1994 йил 5 январдаги Илмий - техник ҳамкорликка кўмаклашувчи Ўзбекистон - Ҳиндистон Марказини ташкил этиш тғрисидаги Протокол ушбу алоқларнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. 1995 йил Тошкентда Ҳиндистон-Ўзбекистон илмий – технологик маркази ташкил қилинди. Марказнинг олдига илмий-

технологик ҳамкорликларни ривожлантиришвазифаси қўйилди. [5]

1993 йил 17-19 август кунлари Ўзбекистон республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий - техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, соғликни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. [6]

1995 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Санъатшунослик институтининг икки нафар ходими Ҳиндистонда ўтказилган “Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги энг қадимги даврлардан шу кунгача бўлган тарихий ва маданий алоқалар” номли илмий семинарда қатнашган бўлса, шу йилнинг ўзида Ўзбекистон Санъатшунослик институтида ҳам “Марказий Осиё санъатида анъанвийлик ва наваторлик” мавзусидаги илмий - амалий конференция бўлиб ўтди. [7]

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари қишлоқ хўжалиги, медицина, экология, информатика, компьютер техникини, қуёш энергетикаси, лазер технологияси ва бошқа бир қатор соҳаларда ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. 1996 йил илғор технологиялар бўйича Ўзбекистон - Ҳиндистон семинари ўтказилиб, ҳар икки мамлакатдан 50 дан ортиқ илғор мутахассислар иштирок этди, мазкур семинарда қуёш энергиясидан фойдаланиш ускунлари масалалари муҳокама қилинди. [8]

1995 - 1998 йиллар мобайнида Ҳиндистонда компьютер дастурлари бўйича уч нафар мутахассис, газ ва нефть оқимини ўлчаш ва бошқариш техникини бўйича тўрт нафар мутахассис, компьютер дастурлари тизими бўйича икки нафар мутахассис стажировкада бўлиб қайтди. 1998 йилнинг май ойида икки мамлакат илмий - техник ҳамкорлигининг ишчи дастури имзоланди. Унда кўпгина дастурларда иштирок этувчи мутахассис – тадқиқотчиларни тажриба ўрганиш ва уларнинг тадқиқот натижаларини амалда қўллаш учун узоқ муддатли хизмат сафарларига жўнатиш кўзда тутилган эди. [9]

2000 йил январида Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институти олимлари Ҳиндистонда бўлиб ўтган Гравитация ва космология бўйича халқаро конференцияда иштирок этилди ва конференция кунларида иштирокчи давлатлар илмий-тадқиқот институтлари ва олимлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. 2000 йил март ойида эса Ҳиндистон маданият марказида “Ҳиндистон ва Марказий Осиё” (Исломдан аввалги давр) мавзусида уч кунлик семинар

давомида 100 га яқин олим ва мутахассислар иштирок этди. [10]

“Марказий Осиёда рўй берадиган тезкор ислоҳотлар минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг ҳар томонлама алоқаларини кучайтириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга давлатларимиз ўртасида 2011 йилда имзоланган стратегик шериклик тўғрисидаги Кўшма баёнот мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. [11]

Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳаси ҳам яхши ривожланмоқда. Юртимизга хорижий сайёҳларнинг оқими йил сайин сезиларли даражада ортиб бормоқда. 2017 йилда Ўзбекистонга деярли 3 млн. хорижий сайёҳлар ташриф буюрган, шундан 24 мингдан ортиғи Ҳиндистон фуқаролари дир. [12]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натҳ Ковиндинг таклифига биноан 2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Бизга маълумки Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғликни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратадиган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир. Савдо - иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатларининг асосий йўналишларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориж капитали эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорагида Ҳиндистон сармояси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимиздаги фаоллиги ошаётганидан далолатdir. Президентимизнинг ушбу ташрифи икки мамлакат худудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокаралар давомида Ўзбекистон -Ҳиндистон ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишига қаратилган 20 та хужжат имзоланганди.

Бу хужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Кўшма баёноти, Дипломатик паспорт эгаларини виза

талабларидан озод этиш, туризм, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидағи муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари, қишлоқ хўжалиги, фан - техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши қурашиш, соғлиқни сақлаш ва тибиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукumatларо битимлар мавжуд.

“Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокаралар мамлакатларимиз ва ҳалқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга хурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораётганини юксак қадрлаймиз”, дея таъкидлади мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев. [13]

## ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан илмий –техникавий соҳасидаги ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat борасидаги ишларининг ажralmas бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Илмий - техникавий ҳамкорлик ишлари фанимиз ривожини жадаллаштиришга ва ҳозирги замон фанининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Ҳиндистон билан илмий-техникавий ҳамкорликни амалга оширад экан, аввало ишлаб чиқаришни илм-фан ютуқларисиз амалга ошмаслигини, илмий-техникавий ва маданий алоқалари ҳар бир жамиятда барқарорлик ва бирдамликни сақлаш, ҳар бир минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи негизида олиб борилмоқда.

## REFERENCES

1. Жаҳонгиров Б.Б.Ўзбекистонда илм-фан ҳолати, тараққиёт йўналишлари (1980-2010 йиллар) Монография. “Qaqnus media” нашриёти, -Тошкент. 2020.158 бет
2. Эргашев X, Ҳамидов.Ҳ.Ўзбекистон тарихи.-Т.:Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи.2015.-Б.58
3. Усмонов К, Содиков М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. -Т.: “Иқтисод-молия”. 2016. -Б.126-128
4. Жаҳонгиров Б.Б.Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари.

ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-Қарши.2020.-Б.254-258

5. Джаконгиров Б.Б. Научно-технические связи Академии наук Узбекистана с зарубежными странами. Новости КарГУ Научно-теоретический, методический журнал. Спецвыпуск (Общественные науки).- От.2020.-С.254-258
6. Халқ сўзи газетаси.1996 йил 15 август.
7. Ўзбекистон овози газетаси. 1993 йил 20 август.
8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг жорий архивлари // Ҳиндистон билан маданий алоқаларнингаҳволи вақтида маълумот.1995 йил.
9. Жаҳонгиров Б.Б.Хорижий давлатлар билан илмий алоқалар. // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2010.-№ 1.-Б. 55-56.
10. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви 2001 й // Ўзбекмсионнинг Ҳиндистон билан илмий-техник ҳамкорлиги ҳақида маълумот.1-7 бетлар
11. Қирғизбоев А.Ўзбекистон республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Т.: “Фан”.-Б.214
12. Халқ сўзи газетаси.2018 йил 3 октябрь.